

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2018
ОКтябрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МАТЕМАТИКА

А.МАДРАХИМОВ, С.КУКИЕВА Тартибли статистикаларнинг чегаравий хоссалари	5
--	---

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.ДЖУРАЕВ, Р.Х.МАКСУДОВ, Ш.ШУХРАТОВ Пахта тозалагич кўп қиррали тебранувчи колосникларнинг параметрларини асослаш.....	8
А.АБДУКАДИРОВ, Г.АКРАМОВА Ностационар уч фазали фильтрациянинг чегаравий масалалари сонли ечимининг математик моделлари	13
С.АБДУРАХМОНОВ, И.БИЛОЛОВ Замонавий электрон таълим ресурсларини яратиш бўйича тавсиялар	17

КИМЁ

М.АХМАДАЛИЕВ, И.АСҚАРОВ Фурфурол асосидаги товар маҳсулотларини халқ хўжалигидаги аҳамияти (обзор)	22
М.ИМОМОВА, Б.АБДУГАНИЕВ Мотор мойларини кимёвий таркиб бўйича тўғри таснифлашда инфрақизил спектрометрни метрологик аттестатлаш дастури асосида текширишнинг аҳамияти	26
Ш.ТУРҒУНБОЕВ, Р.РАХМОНБЕРДИЕВА <i>Aconitum leucostomum</i> ўсимлигининг сувда эрувчан полисахаридлари	29

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

М.НАЗАРОВ Ҳовузларда балиқчиликни ривожлантириш учун табиий озуқа базасидан фойдаланишнинг аҳамияти	32
---	----

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

О.С.БЕЗУГЛОВА, Г.ЮЛДАШЕВ, М.Т.ИСАГАЛИЕВ Қатор касалликларнинг педобиогеохимёвий асослари	35
Ғ.ЮЛДАШЕВ., У.МИРЗАЕВ Суғориладиган арзиқ – шохли тупроқларнинг антропоген омил таъсиридаги эволюцияси	40

ИҚТИСОДИЁТ

А.ЎРИНОВ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш орқали аҳоли бандлигини ошириш	44
З.ТОЖИБОЕВ Иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ҳамда экологик иқтисодиётнинг роли ва ўзаро муносабатлари тўғрисида	48
К.КУНДУЗОВА Суғурта ташкилотларида аудитнинг ўзига хос хусусиятлари	53

ТАРИХ

Қ.РАЖАБОВ Шоир Ҳамзанинг сирли ўлимига оид мулоҳазалар.....	59
О.МАҲМУДОВ Ali bogoni-ми ёки Alberinius? Нюанс: ал-Беруний асарларининг вропадаги дастлабки таржималарига оид айрим мулоҳазалар	64
Б.МИРЗАДЖАНОВ Туркистонда большевиклар кадрлар тайёрлаш механизмнинг шаклланиши	69
Н.ИСРОИЛОВ Амир Темур ва Тўхтамишхон муносабатлари Люсьен Кэрэн талқинида.....	73
Г.СЕЙДАМЕТОВА 1960-1970 йилларда Қорақалпоғистонда шаҳарлар ва шаҳар аҳолисининг шаклланиши тарихига назар	76

УДК: 33+321.8

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ

А.Ўринов

Аннотация

Мақолада Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Фарғона вилояти кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишларда аёлларнинг ролини ошириш, шунингдек, ушбу тизимни такомиллаштириш масалалари орқали қисман бўлса ҳам Фарғона вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишга ҳамда тизимга юкланган вазифалар юзасидан халқ олдида ҳисобот берилишини йўлга қўйиш масалаларига эътибор қаратилган.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы повышения роли женщин в работе, осуществляемой Ферганским областным Советом по координации деятельности органов самоуправления граждан, а также обеспечения, пусть и частичной, занятости населения области путем совершенствования системы самоуправления, повышения их доходов и организации отчета перед народом по выполнению возложенных на данные органы задач.

Annotation

In this article, the Fergana Regional Council for the Coordination of Citizens' Self-Government Authorities works to enhance the role of women in system of management, and as well as the improvement of this system in the Fergana region, in particular, in order to raise the standard of living of the population and increase its income, as well as increase public responsibility for the system in the future.

Таянч сўз ва иборалар: миллат, маҳалла, орган, кенгаш, ўз-ўзини бошқариш, адолат тарозиси, барқарорлик, бандлик.

Ключевые слова и выражения: национальность, махалля, орган, совет, самоуправление, весы справедливости, стабильность, занятость.

Keywords and expressions: nationality, makhallya, authority, council, scales of justice, self-government, stability, employment.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев аҳоли билан, халқ билан учрашувларида, албатта, маҳалла тизими ҳам алоҳида тўхталиб, бу борада олиб борилаётган ишлар, уларнинг натижалари ҳақида ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён этиб, маҳалла ва ундаги ҳар бир хонадон тинч экан – юрт тинч бўлади, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, инсон қалбида мудом бир туйғу жўш уради: бу, она- Ватанга муҳаббат, киндик қони томган юртга садоқат, элга хизмат, энг муҳими, ўзини шу юрт фарзанди деб билган киши борки, оиласининг, маҳалласининг, юртининг тинчлигини таъминлашни ўзининг асосий мақсади, деб билади. Шу ўринда “Маҳалла институтининг жойларда халқнинг маслақдоши ва кўмақдошига, таъбир жоиз бўлса, “**адолат тарозисига**” айланиши, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди” [1] деб таъкидладлашлари ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистонда “Фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига [2] мувофиқ ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 сентябрь кунги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида” ги 267-сонли қарори [3] қабул қилинган.

Мазкур қарор асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлари фаолияти йўлга

А.Ўринов – ФарДУ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, иқтисодиёт фанлари номзоди.

ИҚТИСОДИЁТ

қўйилди. Худудий кенгашларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳамда худудий кенгашларнинг ўзаро ҳамкорлиги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳарлар кенгашлари тўғрисидаги намунавий низомларда белгиланди [4].

Бугунги кунда Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Фарғона вилояти Кенгаши мазкур қарор талаблари асосида ўз

фаолиятини олиб бормоқда. Фарғона вилоятида бугунги кунда 1028 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатиб, айти кунда Фарғона вилоятида доимий аҳоли сони 3.564.750 нафарни ташкил этади. Шундан, 2.022.765 нафари шаҳар аҳолиси (56,7 %), 1.541.985 нафарини қишлоқ аҳолиси ташкил этади (43,3 %) [5].

Ушбу мақола орқали Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Фарғона вилояти Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг худудий бирликлари

01.04.2018 йил ҳолатига [6]

№	Худуд номи	Жами фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сони	ШУНДАН:					Қўшни давлатлар билан чегарадош бўлган ФУЎБО сони
			Шаҳарча фуқаролар йиғинлари сони	Қишлоқ фуқаролар йиғинлари сони	Овул фуқаролар йиғинлари сони	Маҳалла фуқаролар йиғини сони	Шу жумладан, жамоатчилик асосидаги маҳаллалар сони	
1.	Қувасой ш.	30	0	0	0	30	0	6
2.	Марғилон ш.	54	0	0	0	54	0	0
3.	Қўқон ш.	65	0	0	0	65	0	0
4.	Фарғона ш.	70	0	0	0	70	0	0
5.	Бешариқ т.	62	0	0	0	62	0	11
6.	Бағдод т.	56	0	0	0	56	0	0
7.	Бувайда т.	55	0	0	0	55	0	0
8.	Данғара т.	48	0	0	0	48	0	5
9.	Ёзёвон т.	33	0	0	0	33	0	0
10.	Қува т.	65	0	0	0	65	0	2
11.	Олтиариқ т.	72	0	0	0	72	0	4
12.	Қўштепа т.	48	0	0	0	48	0	0
13.	Риштон т.	69	0	0	0	69	0	8
14.	Сўх т.	27	0	0	0	27	0	12
15.	Тошлоқ т.	51	0	0	0	51	0	0
16.	Ўзбекистон	67	0	0	0	67	0	7
17.	Учкўприк т.	49	0	0	0	49	0	0
18.	Фарғона т.	73	0	0	0	73	0	25
19.	Фурқат т.	34	0	0	0	34	0	2
Жами:		1028	0	0	0	1028	0	82

Айти кунда Фарғона вилоятида 1028 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатаётган бўлса, шуларнинг 82 таси қўшни Қирғизистон, Тожикистон Республикалари билан чегарадош худудлар ҳисобланади.

Мазкур 1028 та фуқаролар йиғини вилоятдаги 19 та шаҳар-туман кесимида таҳлил этилганда, Қувасой шаҳрида 30 та, Марғилон шаҳрида 54 та, Қўқон шаҳрида 65 та, Фарғона шаҳрида 70 та, Бешариқ туманида 62 та, Бағдод туманида 56 та, Бувайда

туманида 55 та, Данағар туманида 48 та, Ёзёвон туманида 33 та, Қува туманида 65 та, Олтиариқ туманида 72 та, Қўштепа туманида 48 та, Риштон туманида 69 та, Сўх туманида 67 та, Тошлоқ туманида 51 та, Ўзбекистон

туманида 67 та, Учкўприк туманида 49 та, Фарғона туманида 73 та, Фурқат туманида 34 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатаётганлигини кўрамиз.

**Фарғона вилояти шаҳар ва туманлари
кесимидаги фуқаролар йиғинлари**

01.04.2018 йил ҳолатига[6]

№	Худуд номи	Жами фуқаролар йиғинлари сони	Шаҳарлардаги МФЙлар сони	Шу жумладан жамоатчилик асосида	Туманлардаги фуқаролар йиғини сони	Шу жумладан жамоатчилик асосида
1.	Қувасой ш.	30	30	0	0	0
2.	Марғилон ш	54	54	0	0	0
3.	Қўқон ш.	65	65	0	0	0
4.	Фарғона ш.	70	70	0	0	0
5.	Бешариқ т.	62	0	0	62	0
6.	Бағдод т.	56	0	0	56	0
7.	Бувайда т.	55	0	0	55	0
8.	Данғара т.	48	0	0	48	0
9.	Ёзёвон т.	33	0	0	33	0
10.	Қува т.	65	0	0	65	0
11.	Олтиариқ т.	72	0	0	72	0
12.	Қўштепа т.	48	0	0	48	0
13.	Риштон т.	69	0	0	69	0
14.	Сўх т.	27	0	0	27	0
15.	Тошлоқ т.	51	0	0	51	0
16.	Ўзбекистон	67	0	0	67	0
17.	Учкўприк т.	49	0	0	49	0
18.	Фарғона т.	73	0	0	73	0
19.	Фурқат т.	34	0	0	34	0
	Жами:	1028	219	0	809	0

Фарғона вилоятининг маъмурий ҳудудий бирлигига кўра, 4 та шаҳар ҳамда 15 та туман мавжуд. Вилоятдаги мавжуд 1028 та фуқаролар йиғинининг 21 фоизи (219 таси) - Қувасой (30 та), Марғилон(54 та), Қўқон (65 та) ҳамда Фарғона (70 та) шаҳарларига тўғри келади. Қолган 79 фоиз (809 та) фуқаролар йиғини 15 та туман улушига тўғри келади.

Фарғона вилоятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича энг юқори кўрсаткичларда Фарғона туманига 73 та, Олтиариқ туманига 72 та, Фарғона шаҳарга 70 та фуқаролар йиғини тўғри келади.

Фарғона вилоятидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги амалдаги 1028 та МФЙ раисларининг 109 нафарини аёллар ташкил этади. Тизимда меҳнат қилаётган МФЙ раисларининг 58 нафари 30-40 ёшлилар (2 нафар аёл), 312 нафари 40-50 ёшлилар (20 нафари аёллар), 50-60 ёшлилар 531 нафарни, 97 нафар

60 ёшдан юқори ёшлилар ташкил этади. Ёши катта бўлган раислар бой ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилардир. Таҳлилдан кўришиб турибдики, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими бошқарувидаги аёлларнинг жами улуши деярли 10 %дан ортиқроқни ташкил қилмоқда, холос. Шунингдек, жами сонга нисбатан салкам 10 %и 60 ёшдан юқори ёшдаги ҳаётий тажрибага эга бўлган МФЙ раислари ташкил этмоқда.

Ушбу таҳлиллар натижасидан келиб чиқиб, Фарғона вилоятидаги фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини такомиллаштириш масалалари орқали қисман бўлса ҳам Фарғона вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадларини ошириш мақсадида қуйидаги тавсияларни бериш жоиз, деб топдик:

- Фарғона вилоятидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги 60

ИҚТИСОДИЁТ

ёшдан юқори ёшдаги ҳаётий тажрибага эга бўлган МФЙ раислари таркибини ёшартириш;

- Фарғона вилоятидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ушбу МФЙ раислари таркибини ёшартириш орқали салкам 100 кишига яқин юртдошларимизнинг бандлиги таъминланади ва улар номинал даромадга эга бўладилар (60 ёшдан юқори ёшдаги ҳаётий тажрибага эга бўлган МФЙ раислари эса уларга етакчилик, маслаҳатчи ролини ўйнайдилар);

- Фарғона вилоятидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими бошқарувидаги аёлларнинг улушини ошириш;

- фуқаролар йиғинлари тизимида фаолият олиб бораётган ходимларнинг ҳалқ олдида ҳисобдорлигини янада ошириш;

Фарғона вилоятидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида амалга оширилаётган ишлар ҳамда уларга юклатилган вазифалар бўйича ҳалқ олдида ҳисобот бериш тизимининг йўлга қўйилиши, бу борадаги ишларнинг тизимли олиб борилишига ва тизим фаолиятининг самарадорлигининг ортишига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев маърузаси.
2. Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунининг [20-моддаси](#).
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 сентябрь кунги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида” 267-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 сентябрдаги 267-сонли [қарорига](#) 2-иловадан кўчирма
5. Фарғона вилояти статистика бошқармасининг маълумотлари асосида (2018 йил 1 чорак ҳолатига кўра).
6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши ахборотномаси асосида (2018 йил 1 апрель ҳолатига кўра).

(Тақризчи: М.Адҳамов – иқтисод фанлари доктори, профессор).